

МИЛЛИЙ РАКС МАКТАБИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСПЕКТИ

Пахрудинова Каромат Пазилдиновна

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13905890>

Аннотация. Ўзбек миллий рақс санъатининг келиб чиқиши тарихи, ривожланиш босқичлари, миллий мактаб тушунчаси ва унинг илмий-амалий тасарруф этилиши, жараёнлари ҳақида фикрлар келтириб ўтилган. Бунда ушбу жараёнларда санъатимиз даргаларининг қилган меҳнатлари натижаси, самараси ҳақида фикрлар баён этилган.

Калим сўзлар: рақс, миллий рақс мактаблари, рақс ҳаракатлари, санъат, рақсшунослик.

SCIENTIFIC THEORETICAL ASPECT OF THE CONCEPT OF NATIONAL DANCE SCHOOL

Abstract. The history of the origin of the Uzbek national dance art, the stages of its development, the concept of the national school and its scientific-practical management and processes are discussed. In this process, opinions about the results and results of the work done by our art schools are stated.

Key words: dance, national dance schools, dance movements, art, dance science.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ КОНЦЕПЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ШКОЛЫ ТАНЦА

Аннотация. Обсуждается история зарождения узбекского национального танцевального искусства, этапы его развития, концепция национальной школы и ее научно-практическое руководство и процессы. В этом процессе излагаются мнения о результатах и итогах работы наших художественных школ.

Ключевые слова: танец, национальные танцевальные школы, танцевальные движения, искусство, танцевальная наука.

Ўзбек рақс санъати минг йиллар мобайнида инсоннинг кечинмалари, ҳис-туйғулари, сийрати ва суратини, анъаналарини ва умуман, ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи узига хос кўзгу бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Рақс, санъатнинг бошқа турлари каби инсон ҳаётини ва бутун оламни ўрганишнинг бадий усули ҳисобланади.

Рақс санъатининг бизгача етиб келиши ва ривожланишида фидоий рақс усталари ва улар яратган ансамбллар ва асарларнинг ҳиссаси каттадир. Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган рақс санъати неча-неча асрлар давомида шаклланди, ривож топди. Миллий рақси санъатимиз турли тарихий жараёнлардан ўтиб ҳозирги кунга қадар ўз таровати ва жилосини, ўзлигини сақлаган ҳолда намоён бўлиб келмоқда.

Лекин бу санъат тури ёзма равишда ўз аксини топмаганлиги учун, турли даврларда унутилиб кетар, мохир уста санъаткорлар даврида яна шаклланар эди. Улар шу кўринишда бизнинг давримизгача қисман етиб келган.

1926 йилдаги Париж гастроли чоғида Муҳиддин Қориёкубов Ўзбекистонда Мусика ва хореография институтини ташкил этиш ғоясини ишлаб чиқади. Юртга қайтгач, маҳоратли санъаткор мамлакатимизнинг турли ҳудудларида узи алоҳида эътибор қаратган истеъдодли созанда ва хонандаларни жамлашга ҳаракат қилади. 1928 йилга келиб, бир гуруҳ

самаркандлик зиёлилар билан Шердор мадрасасида "Музыка ва ашула мактаби" ташкил этилади. Бу ишда ўша даврнинг илм-фан фидойилари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов-Абдурауф Фитратлар етакчилик қиладилар. Институт фаолияти музикашунослик йўналишида кечиб, унга рус музикашунос олими Н.Н.Миронов рахбарлик қилади.

Л.Авдеевнинг ёзишича, "1928 йилнинг кузида М.Қориёкубов Самарқандга ўзининг янги музика гуруҳи - усулчи Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, чангчи Саидазимов ва бошқа хонанда, созандалар, ягона раққоса Тамарахоним билан келади"¹.

Пойтахтни Самарқанддан кўчирилиши муносабати билан бошланган илмий-ижодий изланишлар Тошкент шаҳрида давом этади. 1938-1939 йилларда институтда М.П.Верхацкий бошчилигида театр ва хореография сектори иш бошлайди.

Маълум бўлишича, дастлаб рақсшуносликни театр санъати билан бирлаштирилиши кўпчилик учун тушунарли бўлмади, зотан жаҳон тажрибаси ҳам бунга монелик қилади. Бироқ Л.Авдеева ёзганидек, "Верхацкий таникли санъаткорлар М.Қориёкубов, Уста Олим Комилов ҳамда узбек томоша ва музыка санъатларининг мўътабар зотлари билан суҳбатлашиб, шунга икром бўладик, анъанавий тушунчага биноан рақс томошанинг таркибига қиради. Музыка эса фалсафа билан бир қаторда юқори рақс мавқега эга"².

Шу тариқа секторда театршунослар М.П.Верхацкий, А.Хўжаева ҳамда рақсшунос И.Бахта иш бошлайдилар.

Ўзбек рақсшунослигининг илк калдирғочлари Иранда Бахта ҳамда Гулом Зафарий саналадилар. Маълум бўлишича, айнан изланишлари натижасида ўзбек санъатида оддий халққа хос ўйин-рақслар билан бир қаторда юксак катлам Ўзбек миллий рақслари халқ бадиий ижоди маҳсули бўлиб, ўқитишда анъанавий устоз шогирдлик мактабининг оғзаки услубига асосланган эди. Рақснинг амалий сабоқларини кўриш ва оғзаки эшитишнинг ўзи билан хотирада сақлаб қолиш мураккаб эканлиги кейинчалик рақсшуносликнинг назарий аспектларининг вужудга келишига туртки бўлди. Бошланган ишлар ўзбек рақсшунослигининг илк қадамлари бўлган эди. Бу ишларнинг ҳосиласи ўлароқ И.Бахта томонидан "Катта ўйин" тўплами учун манбалар тўпланди. Китоб 50-йиллар охирида Л.Авдеева, З. Афанасьева, Р.Каримовалар томонидан нашрга тайёрланди.

Ўзбек рақсшунослигига тамал тошини қўйган И.Бахта "бутун вужуди билан ўзбек рақси хусусиятларига сингиб кетиб, Юсуфжон қизик, Уста Олим Комилов ва унинг рафикаси Бегимхонларнинг қимматли маслаҳатлари ёрдамида рақснинг асосий шакллари яратди"³.

Ўзбек рақс ҳаракатлари, уларнинг узига ҳослиги, алоҳида олинган шакллари ва муайян рақс мактабларининг қарор топиши кейинги авлод рақсшунослари Л.Авдеева, Р.Каримовалар томонидан ўрганилди, тадқиқ этилди. Рақсшуносликда алоҳида Урин тутган Любовь Авдеева тадқиқотларида миллий тарихи, анъанавий генезиси, рақсларимиз либослари, шунингдек, Фарғона, Бухоро, Хоразм рақслари мактабларининг ўзига ҳослик

¹ Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослик тарихидан бир лавҳа. "Санъатшунослик масалалари" Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: "Санъат" журнали" нашри, 1998.- 161б.

² Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослик тарихидан бир лавҳа. "Санъатшунослик масалалари" Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: "Санъат" журнали" нашри, 1998.- 161б.

³ Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослик тарихидан бир лавҳа. "Санъатшунослик масалалари" Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: "Санъат" журнали" нашри, 1998.- 162б.

хусусиятларига эътибор қаратилади. У ўзининг "Ўзбек миллий ракс тарихидан" деб номланган монографиясида ҳар бир ракс мактабига алоҳида урғу бериб, ушбу мактабларнинг қандай мусиқа ва оҳанг остида, қайси анъанавий чолғу асбоби ёрдамида, қандай либосда ва қайси характерда ижро этилиши масалаларини батафсил тадқиқ этган.

Ракс мактабларига таъриф беришда олима уларнинг ҳар бирида ўзбек миллатига хос бетакрор гузаллик, ички маданият, салобат, юксак салоҳият барқ уриб туришига алоҳида эътибор қаратади. Миллатнинг ўзига хос кифоаси акс этаркан, бу сифатлар ҳар бир ҳудуддаги гўзалликни қамраб олишдек локал хусусиятларини либослар ва тана пластик ҳаракатларида ифода этиб, ўзига хос улкан палитрани яратади.

Ўзбек миллий рақслари шуниси билан ҳам мураккабки, Фарғона рақсларидаги майинлик, Бухоро рақсларидаги тезкорлик ва аниқлик, Хоразм рақсларидаги титратма ҳаракатлар бетакрор характер касб этиб, инсон калб кечинмаларини турфа оҳангларида ифода этишга йўналтирилган.

Бунингдек алоҳида сифатлардан келиб чиқиб, Л.А.Авдеева куйидаги хулосага келади "Замонавий анъанавий рақслар гуруҳини тасвирлашда шу ҳол кайд этилдики, соф профессионал хореография ягона ракс маданиятига оид бўлиб, ўзига хос ракс услубларига эга бўлган уч гуруҳга Фарғона, Хоразм, Бухоро рақсларига бўлинади"⁴.

Ўзбек миллий ракс санъати бўйича ўқув қўлланма яратишни Розия Каримова дастлаб ракс ўрганиш ҳолатларини ишлаб чиқиш, ракс ҳаракатларига ном қўйишдан бошлади.

Миллий рақсдаги эгилиш, айланиш, ҳаракат турлари тасниф қилиниб, гуруҳларга бўлинди. Мазкур таснифлар Фарғона, Бухоро, Хоразм ракс услубларини бир-биридан фаркланиб турадиган етакчи жиҳатларини акс эттиради. Р.Каримова тадқиқотларида ўрганилганидек, ўзбек халқ сахнавий раксининг шаклланиши биринчи галда Аскар хожи Ҳайдаралиевнинг XX аср бошида фаолият кўрсатган ансамбли ва атоқли раккос Ҳамдамхон номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳамдамхон Фарғона водийси шаҳарларида, Тошкент ва Самарқандда 1905 йилда эса Кавказорти мамлакатларида ўзбек халқ раксини янги асосдаги сахнада ижро этиб, янгича йўналишни бошлаб берди. Халқ сахнавий ракси тараққиётида Уста Олим Комилов, Юсуфжон Қизик Шакаржонов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Исаҳор Оқилов, Гавҳар Раҳимова, Кундуз Миркаримова, Розия Каримова ва бошқа ўнлаб ракс усталарининг хизмати катта.

Раксшунослик илмига санъат орқали кириб келган Розия Каримова 1958-1965 йилларда мамлакатимизнинг кўплаб вилоят ва туманларига уюштирилган экспедицияда анъанавий театрни ўрганар экан, масхарабоз ва кизикчилар ҳаракатлари, ижро этган ўйинларини тадқиқот манбаси тарзида тўплади. Жумладан, "Кичкинажон" ўйини, "Қарсак ўйин" туркуми шу тарзда ёзиб олинган. Мавжуд ракс услубларининг ўзига хослигини тушуниш учун ҳар бир услубдаги асосий ҳаракатларни ёзиб олиш ва рақсларни қоғозда ифода этишдек алоҳида системани кашф этиш зарур эди. Шу асосда ракс ҳаракатларини ёзиб олишга киришилди. Р.Каримова изланишлари натижаси сифатида бирин-кетин халқ

⁴ Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослик тарихидан бир лавҳа. "Санъатшунослик масалалари" Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: "Санъат" журнали" нашри, 1998.

ракси услубларига бағишланган “Фарғона ракси” (1973й.), “Хоразм ракси” (1975й.), “Бухоро ракси” (1977й.) номланишидаги қўлланмалар яратилди.

Мукаррама Турғунбоева томонидан сахналаштирилган "Тановар", "Жонон", "Муножот", "Фарғона рубойиси", "Пилла" каби яккахон рақслар, "Баёт", "Баҳор вальси", "Наманган олмаси", "Пахта" сингари умумий ўйинлар Р.Каримова тадқиқотлари манбасига айланди. Кўп ўтмай, Хоразм ракси устаси "Ровия Отажонов рақслари", Бухоро ракси устаси "Исахор Окилов сахналаштирган ўзбек рақслари" тўпламлари чоп этилди. Бундан ташқари, "Лазги" ансамбли рақслари", "Мукаррама Турғунбоева рақслари", "Кундуз Миркаримова рақслари" қўлёзмалари нашрга тайёрланди.

Сўнгги йилларда босиб чиқарилган айрим рисоаларни истисно этганда, Розия Каримова китоблари асосан рус тилида нашр қилинган. Розия Каримованинг "Ўзбек рақслари", "Доира зарбларига машғулотлар" қўлланмалари ҳозирда раққослар, талабалар ва ракс бўйича илмий изланишлар олиб боровчи назарий жараёнда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Мавжуд китоб ва монографиялар эндиликда ракс ҳаракатларида ҳар бир мактабнинг ўзига хослигини сақлаш, улар асосида ракс сюиталари яратиш ишида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоғи шубҳасиз.

Миллий ракс ва хореография академиясининг ташкил этилиши жаҳон ва миллий ракс санъатининг туб асосларини ўрганишда муҳим қадам бўлди. Ўзбек миллий ракс мактабларини илмий-назарий тадқиқ этиш ва амалий тарғиб этиш борасида мазкур ўқув даргоҳи улкан аҳамиятга моликдир.

Ракс усталари, балетмейстерлар, ансамбллар раҳбарларининг миллий мактаблар услубларидаги ўзига хосликни сақлаб қолишга қилган саъйи ҳаракатларида илмий-услубий ва ижодий алоқаларнинг муҳимлиги тобора кенгроқ тушунилмоқда, идрок этилмоқда.

Ўзбек раксининг локал мактабларида шу кунгача хотин-қизларнинг анъанавий тургун репертуар ва ижро услубига эга бўлган қадимий мусиқий-ракс санъати яшаб келади. Шу йўналишда фаолият олиб боровчи халқ ансамбллари Хоразмда-халфа, Бухорода-созанда, Фарғона водийсида- яллачи деб аталади. Бунингдек ансамбллар одатда анчайин ихчам бўлиб, учта чолғучи, иккита раққоса ва шогирдлардан ташкил топган. Бу томошаларда ракс етакчи компонент бўлиб, созанда, халфа, яллачи кечинмаларини ва хиссиётларининг ўзига хос кўзгусига айланади.

Замонавий сахна талаблари асосида сахналаштирилган халқ профессионал рақслар ҳамда шу асосда яратилган ва театр биноси ичида кўрсатишга мўлжалланган янги рақслар халқ сахнавий ракси деб белгиланади. Халқ сахнавий ракси XX асрда Тошкент, Самарқанд ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида махсус театр бинолари қурилиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди, ривожланди ва ракс санъатининг мустақил тури сифатида тараккий топди.

Илмий-оммабоп характердаги китоблардан бири Дилфуза Сайфуллаева ва Зухра Казакбаеваларнинг "Ўзбек ракс санъати тарихи ва сирлари" қўлланмасидир. Бу китобда ракс сахналаштирувчи балетмейстерлар ва ўқитувчилар учун фойдали бўлган қисқа маълумотлардан иборат. Унда ракс санъатининг тарихи, ракс структураси, соҳанинг етук мутахассислари ҳақида қисқа сатрларда манбалар берилган.

Бунингдек адабиётларнинг яратилаётганлиги нечоғли эътиборга молик бўлмасин, рақсшунослик илми ҳозирги бадий жараёнларда рақс мактабларининг ўрни, роли ва функцияси масалаларига кўпроқ диққат қаратиши мақсадга мувофиқ кўринади.

Мазкур жабҳада рақсшунос Р.Каримованинг куюнчаклик билан ёзилган "Миллий рақс муаммолари ҳақида ўйлар"⁵ ва "Йўқолаётган жозоба"⁶ номли мақолалари эътиборли бўлиб, уларда соҳанинг долзарб масалаларига жамоатчилик диққати қаратилади.

Миллий рақс мактабларига эътиборни ошириш, мавжуд анъаналарни сақлаб қолиш билан бир қаторда бугунги кунда ҳатти-ҳаракатлар, либослар, қолаверса рақс мусиқалари борасида йўл қўйилаётган йирик муаммоларни бартараф этиш масалалари бугунги бадий жараёнларда ўзбек миллий рақс мактабларининг ўрни ва аҳамияти масаласи ҳали кўплаб тадқиқотлар мавзуси бўлмоғи лозим.

REFERENCES

1. Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослик тарихидан бир лавҳа. "Санъатшунослик масалалари" Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: "Санъат" журнали" нашри, 1998.- 161б.
2. Каримовар. Миллий рақс муаммолари ҳақида ўйлар. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 1996, 16август №33 (3370) 6бет.
3. Каримова Р. Йўқолаётган жозоба. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 1992, 22 апрель.

⁵ Каримовар. Миллий рақс муаммолари ҳақида ўйлар. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 1996, 16август №33 (3370) 6бет.

⁶ Каримова Р. Йўқолаётган жозоба. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 1992, 22 апрель.